

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKEENT HAQIQATI

1928 йил 11 дехабрда асос солинган • 2001 йил 7 апрель, шанба • №27 (11.312)

Эркин нархда сотилади

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФРга расмий сафарининг сўнгги кунини Дрездендаги «Мовий гумбаз» музейини томоша қилишдан бошлади. Бу музей дунёдаги энг бой маданият кошоналаридан бири бўлиб, унда жуда кўплаб ноёб экспонатлар йиғилган. Давлатимиз раҳбари улар орасида, айниқса, Бобурийлар сулоласига мансуб экспонатни катта қизиқиш билан томоша қилди. Минглаб қимматбаҳо тошлар билан безатилган бу санъат асари тилла ва кумушдан ишланган бўлиб, унда Аврангзеб ҳузуридаги қабул маросими акс эттирилган.

Ислом Каримов «Сименс» гурӯҳининг «Инфенион технологиз» тармоқ компаниясига қарашли корхонаси

фаолияти билан танишиди. Бу ерда юқори технологияга асосланган электрон жиҳозлар, асосан, компьютер, принтер ва шу каби ускуналар учун чип ва микрочиплар ишлаб чиқарилади. Бу жиҳатдан у дунёдаги энг замонавий корхоналардан ҳисобланади.

Президентимиз компания раҳбарлари билан мулоқот чогида Ўзбекистонда ҳам шундай корхона қуриш учун етарли шароит ва мутахассислар борлигини айтиб, уларни бу имкониятдан фойдаланишга унади. Шу куни Германиянинг «Ман-Такраф» фирмаси давлатимиз раҳбари жойлашган «Кемпински» меҳмонхонасида ўзининг тақдимот маросими ни ўтказди. Шу билан

Ўзбекистон Президентининг ГФРга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Мамлакатимиз раҳбарининг бу сафари жуда самарали бўлди. У турфа учрашув ва фойдали мулоқотларга бойлиги билангина эмас, балки фан-техника, автомобил транспортида юк ва йўловчи ташиш, наркотик моддалари контрабандасига қарши кураш, банк иши, сайёхлик соҳалирида ҳамкорликни кўзда тутивчи талай ҳужжатлар имзолангани билан ҳам икки мамлакат ўртасидаги азалий алоқалар тарихидан мустаҳкам жой олиши, шубҳасиз.

(ЎЗА).
СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФР Федерал канцлери Герхард Шрёдер билан.

Фарҳод КУРБОНБОЕВ (ЎЗА)
олган сурат.

Бугунги сондас:

2-бет Шундайлар бор бўлсин! Юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган айни кунларда **Назира опа** шахардаги 30 нафар аёлга **моддий ёрдам** кўрсатдилар.

3-бет «Фермерлар - аграр ислоҳотимизнинг биринчи қалдирғочлари». Уларнинг қанотини синдиримайлик. Уларни асраш, авайлаш, парваришлаш керак».

6-бет ... Үн икки шульалик, салмоғи 361 карат, жаҳонда ягона бўлган - «Темурлаъли» Британия қиролларининг салтанат тожида поролаб, улуғ жаҳонгирнинг руҳини инсониятга етказиб туриди.

7-бет Олам хафта ичидаги машҳур маймун чита тирик, сагаломат. Афсуски унга забон берилимаган, йўқса, Вейсюллар ва Мориннинг хаётини батоғсил хикоя қилиб берган бўларди.

8-сангиҳа мөхмомони: «Юртимиз тинч, ҳар бир хонадон осойишта бўлсагина, биз яйраб кўшиқ айтамиз», - дейди бўстонлиқлик хушвавоз хонанда **Нилуғар Рахматова**.

Шундайлар бор бўлсин

ЭЛ ДУОСИН ОЛГАН АЁЛ



Жамият хаётининг барча жабхаларида бошланган янгиланиш тадбиркорлик харакати тикланишига, у янги куч билан намоён бўлишига кенг имкониятлар очди. „Халк бой бўлса, юрт бой бўлади”, деган нақл бор. Унга амал килиб, халқимизнинг азалий касб-хунарлари, тадбиркорлик, халк хунармандчилиги, савдо гарчиллики, замонавий тил билан айтганда, бизнесни ривожлантиришга катта эътибор каратилмоқда.

Истиқол берган ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб келаётган тадбиркорлардан бири — Назира Мираҳмедовани Янгийўл шаҳрида ҳамма танийди.

Бу тадбиркор аёлнинг бир неча дўёнлари, дорихона ва автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи кичик корхоналари тобора самарали фаoliyatiят. Опа дастлаб 2-3 киши билан ишни ташкил этган бўлсалар, бугунги кунга келиб, ишчилар 20 кишидан ортиқ.

— Ишимиз, маошимиз тайин, кўнглимиз хотиржам, — дейди „Софарма“ хусусий дорихонаси сотувчиси Саодат Эргашева. — Бундан ташқари опа доимо мухтожларга ёрдам кўрсатадилар.

Дарҳакиат саҳоватли тадбиркор нафақат ўз ишчиларига, балки, бутун янгийўлликларга меҳр-муруvватини улашишга интилади. Иш бошлаган да-

стлабки йилларида ўз маҳаллаларидаги кам таъминланган оиласлардаги беш нафар боланинг хатна тўйини ўтказиб берган эдилар. Бугунги кунга келиб бундай меҳр-муруvват кўrsatiш анъанага айланниб қолди. Хар ийи 15-20 хонадоннинг ана шундай кувончига шерни бўладилар. Бундан ташқари кўмакка муҳтоj қариялар ҳам Назира опанинг меҳр ва саҳоватидан ҳамиша баҳраманд.

Опанинг дилидаги гапларини билиш мақсадида атайн сўрайман.

— Бешта неварангиз, ҳатто битта чеварангиз ҳам бор экан. Шуларни бағрингизга олиб, фарзандларнингроҳатини кўриб ўтиссангиз бўлмайдими?

— Тўғри айтасиз, фарзандларим ўз йўлларини топиб кетишган. Ҳеч нарсадан кам-кўстлари йўқ. Невараларим, чеварам доимо бағримда. Биласизми, киши ёшлигига оила, болам-чакам деб елиб-югуриб юраверар экан. Аммо, ёши ўтган сайн инсонларга нафи тегадиган ишлар килишга интиларкан. Мен ҳам кимгadir ёрдамим тегса, кимнингдир кўнглини ололсан, ўзимни енгил хис этаман. Кимгadir кераклигидан хурсанд бўламан.

Ҳа, Назира опа ана шундай қалби пок, эл корига ярайдиган инсон. Балки шунинг учундир бошлаган ҳар бир ишлари ўзлари кутгандан ҳам зиёд самарা бераверади.

„Софарма“ хусусий дорихонасида сотилаётган дори-дармонлар таҳлил-назорат лабораториясидан ўтказилганини,

қолаверса, бу ерда маълум миқдорда имтиёзли дори-дармон савдоси йўлга кўйилганини учун ҳам харидорлар талаби тобора ошмоқда. Шунинг учун ҳам мустакилликнинг ўн йиллик тўйига тўёна сифатида шаҳардаги марказий шифохона қошида мазкур дорихонанинг яна иккита бўлимини ишга тушириш Назира опанинг айни кундаги мақсади.

Бугун Назира опа амалга ошираётган ишлар барчага манзур бўлмоқда. Сўзимиз аввалида опанинг килган ҳайрли ишлари ҳакида гапирган эдик. Тадбиркор аёл меҳр-муруvвати ҳакидаги ҳикоямизни ана шундай саҳоватларининг яна бири билан якунламоқчимиз. Юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган айни кунларда Назира опа шаҳардаги 30 нафар аёлга моддий ёрдам кўrсатдилар.

Равшан ЁКУБЖОНОВ.
СУРАТЛАРДА: дорихонанинг умумий кўриниши; Назира Мираҳмедова (ўртада) харидорлар билан.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Огоҳликка даъват

ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС

Шу йил 3 апрель куни Тошкент туманинг Абдурахмонов номли ширкат хўжалиги маданият саройида хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси ҳамда хукуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигига «Экстремистик кўринишларга қарши курашда аёлларнинг роли» мавзуида йигилиш бўлиб ўтди.

Унда тумандаги хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, мактаб ва ўқув юртларининг раҳбарлари, хукуқ-тартибот идоралари ходимлари ва ёшлар иштирок этиши.

Йигилиши Тошкент тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Маствура Шокирова бошқарди.

«Экстремистик кўринишларга қарши курашда аёлларнинг роли» мавзуида вилоят юқими мавзанинг муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Хўжаева маъруза қилди. Нотиқ мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталика раҳна солиб, жонажон юртимизнинг тараққиётига кишини бўлишин режалаштирган террористик гурухлар, турли диний оқимларга мойил ёшлар, мустақиллигимизнинг дадил одимлаётганини кўролмайдиган ғанимлар бор экан, бизнинг бу борада бефарқ ва ўтиборсиз бўлишига асло хакимиз йўқлигини яна бир бор эслатди.

— Тинчлик учун инсон ўзининг бутун кучини, ақлини сафарбар этиб, меҳнат қилиши керак, деган доно сўзларга амал қилиш вилоятимиздаги ҳар бир фука-

ронинг, майли, у ким бўлишидан қатъий назар, муқаддас бурчи эканлигини уннутмаслигимиз керак, — деди вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция подполковники Абдуқодир Раҳимжонов.

Йигилишида сўзга чиқсанлар вилоят прокуратураси бўлиб вилоятлиги Рустам Рашидов, вилоят босхони хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, мавкеини ошириш, фаол, ибратли аёллар ҳаётини тартиб ва ташвиқ қилиш борасида сўз юритдилар.

Бундай йигилишларнинг аҳамияти ҳакида сўз юритар эканмиз, анжуман унда ҳозир бўлгандарнинг қалбida илик туйгулар уйғотиб, янада хушёр ва оғо бўлишимизга, истиқлолимиз берган неъматларнинг қадрига етишга унди. Ёшлиримизни эса тинчлигимиз ва фаровонлигимиз кадру қимматини янада чукурроқ англашига ёрдам беради, деб умид қиласиз.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Тадбир

ЗИЁ ТАРАТУВЧИ

Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва халқимизнинг бошқа ватанпарвар фарзандлари қадами етган «Турон» кутубхонаси нафақат Тошкент вилоятида, балки Ўзбекистонда ўзининг муйян мавзеи ва нуфузига эга бўлган зиё масканидир.

Ушбу даргоҳ бугунги кунга келиб ўкувчиларга факатгина кутубхонанинг ўзида илм-маврифатни тарқатмай, жойларда маънавият ва маърифат тартиботини олиб бормоқда.

Зангиота туманинг кутубхоналардан бирида бўлиб ўтган адабий-бадиий кеча бунга яққол мисол бўла олади. «Турон» кутубхонаси, туман марказий кутубхонаси билан ҳамкорлиқда уюштирган ушбу

кечада Ўзбекистон ҳалқ ёзувчилиги Тоҳир Малик ҳамда «Маърифатпарварлар» жамиятини раҳбари Наим Каримовдаги иштирок этиши.

Кеча ниҳоясида кутубхона «Турон» ва туман марказий кутубхоналари, шунингдек, суюкли ёзувчимиз Тоҳир Малик тўрт юзга яқин китоб совфа қилдилар.

Равшан БЕК.

Кўргазма

«СОГЛИКНИ САКЛАШ — 2001»

10-12 апрель кунлари Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»нинг 1-павильонида «Соғликни саклаш — 2001» халқаро кўргазмаси намоиш этилади.

Унда мамлакатимиз ва АҚШ, Германия, Франция, Исландия, Швейцария, Финляндия, Россия каби давлатларнинг 30 дан зиёд компаниялари иштирок этишади. Кўргазмага бағишилаб ўтказилган анжуманда сўзга чиқсан Республика Соғликни саклаш вазириининг ўринбосари Марат Хожибеков шу ҳақда маълум қилди.

Кўргазмада чет эл фирмалари билан бир қаторда Ўзбекистон компаниялари ҳам иштирок этиётади. Улар орасида бир марта ишлатиладиган шприцлар тайёрловчи «Медиз» корхонаси бўлиб, унинг маҳсулотларига нафақат мамлакатимизда, бал-



ки чет элларда ҳам талаб катадир. Шунингдек кўргазмада дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи, хусусий тиббий хизмат кўrсатувчи фирмалар ҳам катнашади.

Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирилигининг кўмаги билан Британиянинг ITE компанияси ва унинг Марказий Осиёдаги ҳамкорлари Itesa, Itesa Osijo ҳамда «Тибмаҳсулот» бирлашмаси «Соғликни саклаш — 2001» кўргазмаси ташкилотчилари бўлиши.

«Туркистон-пресс».

ЙИРИК ҚУРИЛИШЛАР БУЮРТМАСИ БЎЙИЧА

Ангрендаги Облиқ норуда қурилиш материаллари корхонаси мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига ўз улушини қўшиб келаётган корхоналардан биридир.

Айни кунларда бу ерда киш бўйи жамлаб қўйилган кўм ва шағал йирик қурилишларга жўнатилмоқда. Корхона жамоаси жорий йилда истеъмолчиларга 500 минг кубометр номаъдан қурилиш ашёлари етказиб бермоқчи. Эътиборли томони, маҳсулотнинг ҳаммаси буортма бўйича тайёрланмоқда.

— Рости, харидорларни ўзиниз излаб топяпмиз, — дейди корхона раҳбари Умарали Турдикулов. — Биз вилоятимиз ва Тошкент шаҳридан мижозларга маҳсулотларини кўпроқ таклиф эта бошладик. Сифат ва нарх масаласида эътиrozга ўрин йўқ. Шу боис яна бир қанча доимий буортмачиларимиз пайдо бўлди. «Тошкентметрокурилиш» трести, «Жанубазкўрилиш» ҳамда ҳозир Тошкент вилоятидан буортма олиб ишлаётган «Хоразмқурилиш» акциядорлик жамияти ана шулар жумласиди.

Оҳангарон дарёси ҳавzasидан қазиб олинаётган номаъдан жинслар тўққизта тегирмонда бирин-кетин майдалангач, обдон ювилади. Таркибида ҳеч қандай гил ёки ор-

тиқа унсур колмайди. Шу боисдан уларнинг харидори кўп. «Тошкент-Ўш» автомагистралси, айниска, бу йўлдаги «Қамчиқ» ва «Резак» тоннелини бунёд этишида корхона маҳсулотидан фойдаланилгани бежиз эмас. Янгича шароит ишни омил-

корлик билан ташкил этиш имконини берди. Корхона йил сайнин фойда олиб ишлай бошлади. Ишчи-хизматчиларнинг маошига барака кирди. Акциядорларнинг ҳам куни турди. Агар 1999 йил якунни бўйича номинал қўймати 585 сўмлик бўлган 15 минг сўмлик 192ta акциянинг ҳар бирига 714 сўмдан дивиденд тўланган бўлса, 2000 йил учун бу миқдор янада ошиши кутипмоқда. Бултур буортмачиларга 242 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот жўнтиб, 17 миллион сўм соф фойда олишга эришилди.

Корхона акциядорлари мулқдан олинаётган фойдана бўлиб олишдан кўра уни кўпроқ ишлаб чиқариши ривожлантиришга сарфлашни афзал қўришаётir. Чунки ишлаб чиқариш қанчалик ривожланса, олинадиган даромад ҳам шунчалик кўпайишини улар яхши билади. Бугунги кунда корхона моддий-техника базаси анча мустаҳкамлаб олингани ҳам шундан. Иш билганга минг танга деб, шунга айтсалар керак-да.

**Н.ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.**

Dushanba

9

«Ўзбекистон» телеканали

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Бахор васфи». Мусиқий дастур.
9.15 «Алномиш». Мультфильм.
9.35, 12.35 ТВ-метео.
9.45 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 ТВ-1 кинотеатри. «Суюнчи». Бадий фильм.
11.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
11.40 «Ўзбекистон дурданлари». Телефильм.
11.50, 13.00 ТВ-анонс.
12.05 «Оlam футболи».
12.40 «Олтин тоҷ».

- Телевизион ўини.
13.10 «Наво таралсиз». Мусиқий дастур.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади.
14.25 «Соҳибқирон». Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.45 ТВ-клип.
15.50 «Қишлоқ ҳаёти».
16.05 «Болалигим - гулбахор».
16.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Кошона».
17.05 «Қуила, ёшлигим».
17.15 «Ўзбекистон фуқароси».
17.30 Экранда - телесериалы: «Инданба».
18.10 «Суғурта».
18.25 Мусиқий альбом.
18.35 «Бахтили воқеа». Телептерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50, 22.55

- тилида)
ва бугун».
14.40 «Соҳибқирон». Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
15.40 «Танаффус». Мультфильм.
15.50, 16.45 ТВ-анонс.
15.55 «Бешбармоқ». Тележурнал.
16.15 «Мухаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
16.55 «Ватанинга хизмат қиласан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдимоти «Киролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьера-раси.
18.35 «Орзулар давони».
18.45 «Таянч нұктаси».
19.00 Эстрада тароналари.
19.10 «Фермер». Тележурнал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

- 20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.15 «Қалбингиз күшиқа тўлсин».
Мусиқий дастур.
22.00 «Ишончли ҳамкор».
22.10 «Кулгуга нима етсин». Асқия.
22.35 «Сабр». Теленовелла.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс «Тошаҳ ҳам дарахт ўсади». Бадий фильм. 2-қисм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

«Навоий», Видео-фильм. З-кисм.
10.50 Олтин мерос.
10.55 «Шлар овози».
11.15 «Даллас». Телесериал.
12.00 «Темурнома»: «Дорудслантанат».
12.20 «Шлар» телекалида спорт: Интерфутбол.
13.50 «Уйна, болажон, уйна». Болалар учун концерт.
14.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Инсоният сирлари».
15.05 «Шлар» телекалида спорт: Снукер буйича жаҳон

чемпионати.
15.45 «Сени севдим». Бадиий фильм. 1-кисм (Хиндишон)
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.40 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 4-кисм.
18.05 «Сўзда сехр, шеърда хикмат бор».
18.25 «Табобат оламида».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иклиз».
19.00 «Давр». Ахборот

дастури.
19.30 «ТВ-анонс ва Эколаш латифалари».
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Алишер Навоий». Видео-фильм. 4-кисм.
20.25 Мухаббат қушилари.
20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.40 «Бойлик изтироби». Бадиий фильм. З-кисм.
21.30 «Шлар овози».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш латифалари.

ри.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Шлар» телекалида спорт: Интерфутбол.
«Тошкент» телеканали
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30, 21.00, 22.55, 00.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Этиром ила».
21.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

20.05 «Табриклиймиз-куглаймиз».
20.40, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.45 «Суббатдош».
22.05 «Биласизми?»
22.15 ТТВда сериал: «Селеста».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Кинонигоҳ, «Рух». 2-кисм.
00.50-00.55 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мульчархпалақ».
15.25 «Клип антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «СНН-шоу».
17.05 «Бугун оламда».
17.15 CFI тақдим этади: Мишель Сарду иштирокидаги концерт. 2-кисм.
17.55 А. Гордон ва В. Соловьев «Судлов жараёни» дастурида.

18.40 «Иванушки интернейшнэл» гурухининг Юбилей концерти.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время». УзТВ-IV
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «Кино сайёраси».
22.05 Кинематограф. «Лас-Вегаслик аёл». Бадиий фильм.
23.30 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин».

JUMA

13

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шархи.
9.00 Мумтоз наволар.
9.20, 12.25 ТВ-метео.
9.25 Болалар учун. «Қўзмунчик».
9.45 «Муруват».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 «Рикки-Тики-Тави». Бадиий фильм.
11.35 «Ўнгумас мени богим». Бадиий - публицистик кўрсатув.
11.55, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 «Кодекс».
12.30 «Ўзбекистон спорти».
12.50 «Муҳлис ёхуд кўшик изидан».
13.20 «Билим - ринг».

14.10 Телевизион новеллалар театри.
14.40 «Миллий манфат».
15.15 Болалар учун. «Ха, ха, ха».
15.35 «Оламни асрани!»
15.50 Кундузги сеанс: «Панагеянинг ўғирланиши». Бадиий фильм.
17.15 «Нурли манзилар».
17.30 Экранда - телесериал. «Динозаврлар билан сайд».
18.10 Мусикӣ албом.
18.15 «Хукукий жамият сари».
18.30 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Яхшилар ёди».

Ўзбекистон халқ артисти X. Охунова хотирасига багишланган бадиий-музыкий дастур.
21.55 «Долзарб мавзу».
22.10 Теннис буйича Дэвис кубоги. Янги Зеландия - Ўзбекистон.
22.50 «ТВ-клуб».
23.10 «Олам». Телеальманах.
23.45 «Ахборот».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.
«Шлар» телеканали
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.40 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 4-кисм.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 Мусикӣ лаҳзалар.
10.30 «Алишер Навоий». Видео-фильм. 4-кисм.
11.05 Олтин мерос.

11.10 «Даллас». Телесериал.
11.55 «Шлар овози».
12.15 «Темурнома»: «Шоҳизинда».
12.35 «Шлар» телекалида спорт: Интерфутбол.
14.05 «Бойлик изтироби». Бадиий фильм. З-кисм.
14.50 «Синфодш».
15.15 «Сени севдим». Бадиий фильм. 2-кисм.
* * *
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 5-кисм.
17.15 «Автосалтанат».
17.30 «Хукуқ ва бурҷ».
17.50 «Темурийлар тарихи давлат музеи» («Ўзбектелефильм»).
18.05 2001 - Оналар ва болалар ийли. «Фарзандим-жигарбандим».
18.20 «Шлар овози».
18.40 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иклиз».
19.00 «Давр». Ахборот

дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш латифалари.
«Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига»
10.05 Мультифильм.
18.15 2001 йил - Оналар ва болалар ийли. «Аёл - она, мураббай, раҳбар». Телеклуби.
18.30, 21.00, 22.45, 00.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Этиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05 «Табриклиймиз, күглаймиз».
20.40, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.45 «ТВ-плюс».
22.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ, «Сўнгиги иш».
00.50-00.55 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.

18.05 Мультифильм.
18.15 2001 йил - Оналар ва болалар ийли. «Аёл - она, мураббай, раҳбар». Телеклуби.
18.30, 21.00, 22.45, 00.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Этиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05 «Табриклиймиз, күглаймиз».
20.40, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.45 «ТВ-плюс».
22.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ, «Сўнгиги иш».
00.50-00.55 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.

тилида)
15.15 «Мультичархпалақ».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Саҳнатлар олами».
17.00 «Бугун оламда».
17.10 «Клип-антракт».
17.35 «Дурдаршан».
17.50 CFI тақдим этади: Мишель Сарду иштирокидаги концерт. З-кисм.
18.30 «Ахойиб воқеалар».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.55 «Бизнес-ревю».
21.10 «Бебилиска пул». Сериал.
21.50 Кинематограф. «Елгизларга ёткохона тавсия қилинади» фильми.
23.05 «Ахборот» (рус тилида)
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

SHANBA

14

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шархи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10, 11.30 ТВ-метео.
9.15 «Фантадром». Мультфильм.
9.45 «Ҳидоят сари».
«Тирик сайёра» кинодастури.
10.10 CFI тақдим этади: «Зебралар».
11.05 «Бу ахид фасл». Телеальманах.
11.35 ТВ-1 кинотеатри: «Мехрибонгина». Бадиий фильм. 1-кисм (Хиндишон)
12.50, 13.50 ТВ-анонс.
13.00 «Яхшилар ёди». Ўзбекистон халқ артисти X. Охунова

хотирасига багишланган бадиий-музыкий дастур.
14.00 «Дўстлик» видеоканали. 1. «Мехрангез». 2. «Жетиген».
14.20 «Мехрибонгина». Бадиий фильм. 2-кисм.
15.25, 16.50 ТВ-клип.
15.35 «Нурафшон». Тележурнал.
16.00 «Кўшиқ рақса гирляди».
16.30 «Қалб гавҳари».
17.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телеийин.
18.00 «Санъат олами».
18.20 «Бинафша». Тележурнал.
18.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Даврани кенгрок олинг». Мусикӣ дастур.
21.30 Теннис буйича Дэвис кубоги. Янги Зеландия - Ўзбекистон.
22.10 «Шанба оқшомида». Дам олиш дастури.
22.55 Футбол буйича Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» - «Навбаткор».
23.40 «Ахборот».
00.15 «Интиком». Бадиий фильм.
1.55-2.00 Ватан тимсоллари.
«Шлар» телеканали
7.55 Кўрсатувлар дастури.

8.00 «Давр тонги».
9.00 «Жаҳон жуғрофияси»: «Ҳаёт мароми».
9.50 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 5-кисм.
10.15, 14.00 Мусикӣ лаҳзалар.
10.25 «Аср киёфаси».
10.45 «Алишер Навоий». Видео-фильм. 5-кисм.
11.20 Олтин мерос.
11.25 «Шлар» телекалида спорт: Ринг кироллари.
12.35 «Темурнома»: «Бисёр олий имораттур»
12.45 Вилоятлар ёш хонандалари кўйлади.
13.05 «Рамаяна». Телесериал.
13.40 «Кўтимаган меҳмон».
14.10 «Бойлик изтироби». Бадиий фильм. 4-кисм.
14.55 Дастан.
15.15 «Америка эртаги». Мультфильм.
16.30 «Шлар» телекалида спорт: Теннис.

17.10 Ҳайрат.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.55 «Бола тилидан». 18.25 «Футбол плюс»
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклиз.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 Маҳмуд Намозов кўйлади.
20.00, 20.40, 22.40 Эълонлар
20.05 «Рамаяна». Телесериал.
20.45 «Шлар овози».
20.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури.
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Кинонигоҳ. «Қайсар йигитнинг куюлиши».
00.20-00.25 Ҳайрли тун, шахрим.
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорама»си.

18.05 «Митти юлдузлар».
18.30 «Этиром ила».
19.00 «Мистер Бин». Ҳажвий сериал.
19.30, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.05 «Табриклиймиз, күглаймиз».
21.05 «Интер-спорт».
21.20 «Табриклиймиз, күглаймиз».
21.40 «Дарвоқе». Ҳажвий кўрсатув.
22.00 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури.
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Кинонигоҳ. «Қайсар йигитнинг куюлиши».
00.20-00.25 Ҳайрли тун, шахрим.
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорама»си.

10.10 Кундузги сеанс: «Катта». Бадиий фильм.
11.45 CFI янгиликлари.
11.55 «Инглиз тили Сиз учун».
12.20-13.10 Дўстлик видеоканали: «Немис шархи», «Чинсен», «Бизнен мерас».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Билишни истайман», Болалар учун кўрсатув.
18.25 «Интернет худуди».
18.45 Лариса Долина кўйлади. Концерт дастури.
20.00 «Время».
20.40 «Бизнес-ревю».
21.15 «Британия кундаглиги».
21.35 Кинематограф. Жан Нигулесконинг «Титаник» фильми.
23.10 Ахборот (рус тилида)
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

Yakshanba

15

Улуғ бобомиз Амир Темур ўз даврининг шундай буюк арбоби ва саркардаси бўлган эканки, унинг фазилатларини кашф этиш учун ўтган асрлар ҳам камлик қилди. Ҳали биз соҳибқирон ҳаётининг очилмаган жуда кўплаб қирраларининг гувоҳи бўламиз. Қуйидаги тарихий ҳикоя ҳам бунга яққол мисолдир.

Таникли зодагонлардан илохиёт магистри Альфонс Пазэ де Санта Мария, машхур сайд ёси Рю Гонзалес де Клавихо ва кирол Генрих III нинг шахсий маҳрами Гомес де Салазарлардан изборат испан элчилари, улуг Амир Темурнинг Испаниядаги вакили, алла-качон кастилча кийини олган Муҳаммад ал Қозий ҳамроҳлигига 1403 йил 21 май, сешанба куни сахарлаб, Барселонадан Шарққа қараб йўлга чикиши. Элчилар дениз орқали даставал Истанбулга, у ердан Трапезунга кемада, сўнгра қуруклидаги карвон йўли билан Эрон бўйлаб юриб, Балхнинг шимолий худудларини босиб ўтиб, Термиз ва Шахрисабз шаҳарларига етиб келиши. Темур салтанатининг пойтахти бўлган Самарқандга эса 1404 йил 5 сентябрда, шанба куни қадам кўйиши. Уларга 8 сентябрь, сешанба куни Боги Дилкушода, Амир Темур ҳузурида хозир бўлишга амр этилди.

Элчиларни қабул қилиш маросими келтирилган совғаларни топширишдан бошланди. Совғаларни олган шахслар, уларни сарой томон элтиши. Бошқа маҳрамлар эса, элчиларнинг қўлидан тутиб, ичкарига бошлашди. Сўнгра уларни олдинга ўтказиб, шу ерда бирор кутиб туриш кераклигини тушунтириши.

— Якинроқ келинглар. Сизларни яхшироқ қўришни истайман! — деди Амир Темур бўғик ва йўғон овоз билан.

Бу пайтга келиб Амир Темур шу қадар ҳориган эдикни, қовоғини зўрга кўттарар, кўзи эса жуда хирашган эди. Элчилар яқинлашиб, шоҳнинг кўлини ўпишларига рухсат берилмади. Чунки, бундай одат Темур саройи учун файри-табии русум эди.

Сўнгра Амир Темур элчилардан сўради:

— Менинг ўғлим қирол қандай юрибди? Унинг ишлари қандай? Саломатлиги тузумки?

Элчиларни бош бўлган Рю Гонзалес де Клавихо амирнинг саволларига жавоб берди ва элчиликдан асосий мақсадларини гапирди. Элчининг барча гапларини бўлмасдан тинглаб ўтириган Амир Темур Клавихонинг гапи туғагач, элчиларга қараб меҳр билан жилмайиб деди:

— Сизларни фақат нома билангина, бошқа ҳеч қандай совға саломсиз ҳузуримга юбориши ҳам етарли эди. Чунки, мен сизлардан унинг сиҳати бардаму, ишлари равнақ топаётганини эшиши билан ҳам хурсанд бўлур эдим.

Кирол Генрих III нинг Амир Темурга юборган номасини шаҳзода Улугбек Мирзо олиб, подшоҳ олдида баланд килиб, тутиб турди.

Альфонс Пазэ таржимон орқали Амир Темурга мурожаат қилди:

СИРЛИ УЗУК ҚУДРАТИ

— Олий ҳазрат! Ушбу хатни мен — камтарин қулингиз ёзган бўлиб, хатни мендан бўлак ҳеч ким ўқий олмайди. Сиз олий ҳазрат ихтиёр килган заҳотингиз мен амрингизни бажараман!

Амир Темур мактубни Улуғбекнинг қўлидан олиб, уни очди ва хатга қараб тутиб, истеҳзо билан кулиб деди:

— Хатни ёзган одамнинг ўзи келиб ўқиб берса, саводларинг чатоқ экан. — Сўнгра бирор ўйлаб туриб Альфонс Пазэга шундай деди: — Мавриди келгандা, холирок хонада ўқирсан.

Элчиларни турғазиб, жаҳонгирнинг ўнг томонидаги бўш ўриндикларга ўтказишиди.

Шундан бошлаб соҳибқирон томонидан уюштирилаётган барча байраму йиғинларда элчилар шу тартибда ўтиришиди.

Испания элчилари икки ойга яқин вақтида Самарқанднинг барча боғларидаги базмларда бўлиб, дам олиши.

Амир Темурнинг 1404 йил 24 октябрь, жума куни ўтказган қабул маросими элчиларнинг, айниска, эсида қолди. Европадаги барча бадавлат мамлакатларнинг қиролларию подшоҳларининг кошоналари, таҳтиравонлари, зебу зийнатларини кўравериб қўзлари пишган испланлар Темур саройининг ҳашамати олдида лол қолдилар. Амир Темурнинг қўлида қипқизил чўфек ловуллаб ёниб турган, тұхмидек келадиган жавоҳирдан тортиб, тошоҳ ёқту гавҳарлар тикилган либосиу мафордаги тўкинлик испланларни ўзига мафун қилиб кўйган эди.

— Олий ҳазратнинг қўлидаги тош жаҳонда йўқ жавоҳир, ўн икки нурли лаъл юлдузидир, — деди Хиндиштон элчиси соғ испан тилида. Сўнг гапида давом этди: — Бизнинг ҳинд ҳакимлари бу тошни инсонга ўта таъсир қилувчи ва ҳукмга итоат килдирувчи кувват берадиган «Кизиган аждар қонининг йиғиндиси» деб биладилар. Шунинг учун бўлса керак бу тош кучли ироди ва ҳукмдорлик тимсолидир. Ҳакимларимизнинг тасдиқлашларича, бу жавоҳир ақл ва юракни бакувват қилиб, ғам-ҳасратни қувади, инсонни инс-жинсдан асрайди. Хитой табиблари эса бу тошни «Аждарнинг қотган қони» дейишади. Бу ерда — Моварооннахрда эса, уни «севги тимсоли» деб атасади. Чунки бу тош ўз эгасида шавқ-завқ ўйготиб, унинг шаҳватини киздиради.

Чет эллик меҳмонлар ўзларига ажратилган маҳсус ўтовларга тарқалишаётган

пайтда Клавихо Хиндиштон вакилини йўлда тутиб, ундан сўради:

— Бу ажойиб тошларнинг макони қайда экан?

Кекса ҳинд маъюсигина жилмайиб, жавоб қилди:

— Узок Бирма ерларида ҳамда жаҳонгир Темурбекнинг мамлакатидаги тоғлар-

моқчи эдилар. Ўшанда сиз олий зотли шаҳзода ҳам отангизнинг ёнларида бўлган эдингиз. Бугун саройдан бир одам келиб, эртага йўлга отланишимиз ҳақидаги бўйрукни етказиб, бизни тажжубга солди.

Мироншоҳ Клавихонинг гапини тинглаб бўйлаб, қисқа ва қатъий килиб шундай деди:

— Подшоҳни кўриш мумкин эмас, сизларга ижозат беришга биз қарор килдик! Тасарруфимиздаги ерлардан сизларни олиб ўтиш учун одам тайинланган. Сизлар йўлга чиқишиларингиз шарт!

Кечкурун испанлар ҳузурига ҳинд элчиси эшиқдан жилмайиб кирди.

— Олий ҳазратлари оғир касал бўлиб қолган эмиш, — деди у овозини пасайтириб.

— Бир ҳафта бурун базмда ўйнаётган араб раққосаларини кўрганда кўзи ёнаётган олий ҳазратнинг тўсатдан оғир касал бўлиб қолшига сира ишонмайман! — деди фигони фалакка чиқиб Клавихо...

— Бунга сабаб «Аждарнинг қотган қонидир» — деди хаёлга чўмиб, кекса ҳинд. — Жавоҳир бераётган кувват Олий ҳазратга зўрлик қилганга ўхшайди... Бу тошни кўлда кўп тутиб бўлмайди.

... Аслида эса Амир Темур бу пайтда ўзининг азалдан бери режалаштириб кўйган Хитойга ҳарбий юриши тараддуиди эди. Элчиларни ўз юртларига кузатиб бўлгач, бир ҳафтадан кейин 1404 йилнинг 27 ноябрь пайшанба кунида жаҳонгир Самарқанддан Шарққа қараб юра бошлаган 200 минглик кўшин бошида катта лаъл тошини кўлида үйнаб, йўлга тушди. Кўшин ўтрор атроғига ўтв тикиди. Шу йили қаттиқ келган киш совуғи аскарларнинг руҳига салбий таъсир қилаётганини сезган 68 ёшли жаҳонгир музлаган Сирдарёга тушиб, жангчиларининг кўзи олдида чўмилди. Ёшлил дамлари уни аллақачон тарк этанини, алвон ранги лаъдан ўтаётган қудрат эса, унинг қонини киздириб, кувватини бир ёрга жамлаб, ўзини яна йигитлардек хис этиш баҳтини унга фақат озигина муддатгагина беришини улуғ жангчи балки билмагандир ўшанда. Олий ҳазрат қаттиқ шамоллаб, 1405 йилнинг 18 февраль ойи пайшанба куни ҳуфтонда бу фоний дунёни тарк этди...

... Ўн икки шульалик, салмоғи 361 карат, қирраларига «Амир Темур Кўрагоний» деб ёзилган, жаҳонда ягона бўлган лаъл эса, дастлаб Мирзо Улугбекнинг, сўнгра савдогар Абдул Рашидининг кўлига тушиб, бутунлаб унуттилди. Фақат орадан тўрт юз йил ўтгач, бу тош жавоҳирлар оламини яна ларзага солди. 1851 йили Лондонда ўтказилган жавоҳирларнинг умумжаҳон кўргазмасида Британия қироллиги бу жавоҳирни «Темур лаъли» номи билан намойиш қилди. Хозирги кунгача «Темур лаъли» Британия қиролларининг салтанат тоҷида порлаб, улуғ жаҳонгирнинг руҳини инсониятга эслатиб турипти.

**Аъзам АЗИМОВ,
техника фанлари доктори,
профессор.**

Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчилар ташиш авtosaroyи очиқ турдаги акционерлик жамияти

акционерларининг мажлиси 2001 йил 18 майда соат 9.00да авtosaroy мажлислар хонасида ўтказилишини маълум қиласди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Авtosaroyning 2000 йил хўжалик ва молијавий фаолияти якунлари ва 2001 йилги вазифалар.
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи.
3. 2000 йилги фаолият, баланс, соф фойдана тақсимлаш ва дивидендларни тақсимлаш.
4. 2001 йилги жамият аудиторини тасдиқлаш.
5. Бошқа масалалар.

2001 йил 1 январга акционерлик жамиятининг баланси

АКТИВ	ПАССИВ
МИНГ СҮМ	МИНГ СҮМ
1. Асосий маблағлар	33.132,9
2. Номоддий активлар	28.352,9
3. Устав капитали	88.190,0
4. Кўшилган капитал	22.017,8
5. Захира капитал	1.370,9
6. Ишлаб чиқариш заҳиралари	20.250,0
7. Пул маблағлари	17.252,4
8. Дебиторлар	21.706,4
9. Тақсимланмаган фойда	72,0
10. Мажбуриятлар	16.324,2
БАЛАНС:	127.974,9
2000 йилда хизмат кўрсатишдан тушган маблағ	367.372,2 м.сўм
Ишлаб чиқариш таннахси —	239.643,6 м.сўм
Килинган сарф ҳаражатлар —	62.172,0 м.сўм
Ҳисобот давридаги соф фойда —	72.0 м.сўм

АВВАЛО ТИНЧ БҮЛСИН, ЭЙ, ИНСОН, УЙИНГ

Жаҳон шу кунларда учта воқеанинг шоҳиди бўлиб туритти. Юgosлавиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич давлат маблагини ўзлаштириш борасидаги айномани рад этиб, ўзини бу ишлардан холис эксанлигини эълон қилди.

Давлат хазинасидан олинган юз миллион долларга яқин пуллар Босния ва Хорватиянинг армияларини куроллантириша сарфланганини таъкидлади. «Менга худди жиноятчиларга ўхшаб муомала қилишларига йўл кўйёлмайман», деб шикоят ёзди у округ судьясига хибсга олинган биринчи кунидаёт. Адвокатнинг фикрича, собиқ президентга кўйиладиган айблар орасида давлат тўнтишига тайёргарлик кўрилганлиги хакидаги банди ҳам бор. Бунинг устига унинг қароргоҳида жуда ҳам кўп микдорда курол-яроғ топилган. Ҳатто Милошевичнинг қизига ҳам айблов кўйилса керак. Чунки у отасининг камокка олинишида каттиқ қаршилик кўрсатиб, тўпкончадан жуда кўп ўқ узганлиги маълум.

Буюк Британияда эса бош вазир Тони Блэр мамлакатни коплаган оқсил эпидемияси муносабати билан сайловларни бир ой орқага суришга мажбур бўлди. Чунки, оқсил эпидемияси қишлоқ жойларида шундай мураккаб вазиятларни юзага келтирдики, мабодо сайлов кунини ўзgartирмаса, ахолининг бу сиёсий компанияга катнашиши шубҳа остида қолди. Мухолифатдаги консерваторлар партиясининг етакчиси Уильям Хейг бош вазирнинг бу ишини маъқуллadi. Лекин, аниқ муддатни белгилаганига жайрон қолганини ҳам яширмади. «Хукумат вазиятни ўз назоратига қачон тўлиқ олади бу номаълум. Июн ойида ахвол яхшиланишига ҳеч қандай кафолат йўқ», деди у. Блэр эса, сайлов муддатини яна чўзса, Буюк

Британиянинг ҳалқаро майдондаги обўсига путур этишидан чўчияпти. Чунки эксперларнинг ҳисоб-китобларига караганда, ўтган бир ярим ой мобайнинда инглиз фермерлари 2 миллиард доллар, саёхълик фирмалари эса 5 миллиард доллар йўқотдилар.

Ва ниҳоят, бундан бир неча

ИШЛАРИ

КЎЗОЙНАКЛИ ИЛОН - КОРОВУА

Ўғрилардан мол-мулжаларни ҳимоя қилиш учун одамлар нималарни кашф этишади. Ҳатто электрон кўриқлаш тизимини ҳам бунёд этишиди. Лекин, ўғрилар уни ҳам очиш йўлини топишиди. Стокгольмдаги ҳайвонот боғининг директори қоровулнинг энг зўрини топди. Электрон кўриқлаш тизимини асрарни кўзойнакли илонга топшириди. Илонни кечаси муҳим ашёлар турадиган хонага кўйиб юборишиди. Шундан кейин ҳайвонот боғи ходимлари анча тинч қолишиди. Аввало унча-мунча одам юрак ютиб, бу хонага киромайди. Сўнг кўриқловчи тизимга сарф бўладиган маблагнинг бир кисмини ҳайвонот боғи ободончилигига сарфлаш имкони туғилди. Ҳар нарсанинг онаси табиат, деб шуни айтсалар керак-да.



Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

ой муқаддам АҚШда ҳибсга олинган, катта миқдордаги пулларни айлантиришда айбланаётган россиялик тадбиркор П. Бородиннинг иши Швейцарияда кўриб чиқиладиган бўлди. Суд ишини очиқ олиб боришига қарор қилинди. Демак, воқеанинг боришини жаҳон афкор оммаси кузатиб бориши имкониятига эга бўлади. Адолат тарозиси қайси томонга оғади - буни келажак кўрсатади.

ОЛТИН ТЎЙГА ЭҲТИРОСАМ МАКТУБ

Монреалик 85 ёшли Люсил Дреано ўзининг почта кутисида эри бундан эллик ййл олдин (у пайтда бўлаҳжак эди) ёзиб ташлаб қўйган хатини топиб олганда, ҳайратининг чеки бўлмади. Ҳат устида «Эгаси кўчиб кетган», «қайтариб юборилсан» деган муҳрлар турар эди. Бундан ҳам ажойиб ҳат эру-хотин Дреанолар ўзларининг олтин тўйларини ўтказаётган пайтларида «етиб келган». Узок қидир-қидирдан сўнг Канаданинг почта хизмати ҳат эгаси қаерда яшашини топган ва хатни жўнатиб юборган. Яхши сўз албатта эгасини топади. Юкоридаги воқеа бунга бир мисол.

ҲАТ ТАШУВЧИ ВА ИТ ХАНГИ

Ит ва ҳат ташувчилар доимо бир-биралига ёвқараш килиб кела-дилар. Гоҳида очиқдан-очик жангга киришадилар: бирни вовуллайди, бирни сўқинади. Ванкувер шахридаги почтахона бошлиғи ўз ҳат ташувчисини йўғон таёқ олиб итга ҳужум қилгани учун ишдан бўшатмокчи. Ҳат ташувчи эса, мен уни ёғоч билан урмадим, оёғим билан туртдим, деб ўзини оқламоқда. Аслида ҳаммасига ўйнинг эгаси айборд экан. Ҳат ташувчига қопағон итни олқишибди. Ҳолвани ҳоким еб, таёқни етим ейишига озгина қолибди-я.

ТАЙСОН КУТУРЯПТИ

Майк Тайсонни «Қора ва оқ» бадиий фильмida майда ролларнинг бирини ижро этишига чакиришиди. Тайсон одати бўйича суратга олиш майдончасида жанжал чиқарди. Бош рол ижрочиси Роберт Дауни сценарий бўйича Майкни дўлпослаши керак эди. Дауни унга кўл кўттарганини билади, Тайсон уни гиппа томогидан бўғиб олди. Режиссёр ёрдамчиси машҳур боксчими калтакланишдан хабардор қилмаган экан. Дауни ҳаёт билан хайрлашишига озгина қолиб, нафас олмай кўйганида, Тайсон уни бўшатди. Акторга тиббий ёрдам, Тайсонга эса полициячилар хонасини кўрсатиб кўйишиди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

МАРАДОНА ҚАЙТАДИМИ?

Машҳур бўлиши осонмас

Афсонавий футболчи Диего Марадона, шов-шувларга қараганда, яна оёғига бутси киядиган бўлиби. У Шотландиянинг «Данди» клубининг илтимосига кўра, бир марта яшил майдонга тушар экан. Ушбу клуб сафларида машҳур аргентиналик футболчи Клаудио Канижа ҳам ўйнамоқда. «Данди» Италияниг «Наполи» клубига карши ўйин ўтказади. Маълумки, Марадона саксонинчи йилларнинг охирда шу клубда тўп сурган эди. Кизиги шундаки, Марадона аввал «Наполи» таркибида уч ўйин ўтказишига келишган, лекин у талаб қилган маблагни неаполлик футбол клуби тўлашга қодир эмаслигини айтганди. Диего уч ўйинга 5.5 миллион доллар сўраган эди. «Данди» бўлса, бир ўйин учун бор-йўғи 250 минг фунт беришига рози. Чамаси Марадонани Канижа кўндириган бўлса керак.

Жаҳон маданияти юлдузлари

АДИБНИ МАШҲУР ЭТГАН ҚАҲРАМОН

Ҳар бир авлоднинг ўзига яраша томошалари, ўйинлари, доимо эслаб юрадиган хотиралари бўлади. Эдгар Берроузнинг Тарзан ҳақидаги асарлари ҳам деярли бутун аср давомида одамларни ўз таъсирига тортгани рост.

Кўшнимиз бўларди, ҳамма уни бўлта деб чакираради. Ким билин, нега? Шўхлиги учунни ёки

жуңгиллари хукмронига айланади. Уни топишиди ва Англияга қайтаришиди. Тарзан Европа маданий олами, тараққиёти билан танишиди, шундан кейин ҳафасалиси пир бўлиб, кадрдан жунглига қайтади ва шу ерда абадий қолади: жунглидаги жоноворларни «маданий кишилар» босқини ва ёвузлигидан ҳимоя килади.

Тарзан ҳақидаги биринчи фильм 1918 йилда, Эдгар Берроузнинг китоблари тўла-тўқис босиб чиқарилиши билан, экранларда пайдо бўлди. Тарзан ролини ёши ўтиб қолган Элма Линкольн икроғ этганди. Овозиз бу фильм шу кадар катта шов-шув кўттардики, асти кўяверасиз.

1930 йилга келиб Тарзанга ҳам Худо тил ади килди. Тил-забони бор Тарзан ролини ижро этиши Жонни Вейсмюллерга насиб этиди.

Жонни Вейсмюller Тарзан киёфасига киргунча ҳам, жаҳондаги юлдузлардан бири саналарди. Пенсильвания штатида түғилган бу қоматдор йигит 1924, 1928 йилларда ўтазилган Олимпиада ўйинларида бешта олтин медалга эга бўлиб, сузувчилар қироли деб эътироф этилган эди. Жейн ролидаги эса, ажойиб киз Морин Осьалливэн суратга тушди. Икки юлдуз иштирок этган, Тарзаннинг машҳур кийкириги илк бор янграгран биринчи овозли фильм 1932 йилда намойиш этила бошлади.

Тарзаннинг «командаси» Тарзан ўғлини топди фильмидаги тўпланиб бўлди. Вейсмюller ота-онаси самолёт ҳалокатида нобуд бўлган беш ёшли Жон Шеффилдни Кичконтой ролига танлади. Ушбу қойилмақон учунлон (маймун Читани ҳам кўшиб хисоблагандага тўртвонлон) 1941-1942 йилларда яна иккиси («Тарзаннинг ҳазинаси», «Тарзан Нью-Йоркда») фильмларида суратга тушди. Айнан шу фильмлардан кейин, Морин Осьалливэн кино билан хайрлашиди. Вейсмюller билан Шеффилд 1945 йилгача бирга суратга тушшиди. 1945 йилда «Тарзан ва амазонкалар» фильмни билан янги Жейн - оп пок малика Брэнда Бренда дунёга келиди.

Тарзаннинг «командаси» Тарзан ўғлини топди фильмидаги тўпланиб бўлди. Вейсмюller ота-онаси самолёт ҳалокатида нобуд бўлган беш ёшли Жон Шеффилдни Кичконтой ролига танлади. Ушбу қойилмақон учунлон (маймун Читани ҳам кўшиб хисоблагандага тўртвонлон) 1941-1942 йилларда яна иккиси («Тарзаннинг ҳазинаси», «Тарзан Нью-Йоркда») фильмларида суратга тушшиди. Айнан шу фильмлардан кейин, Морин Осьалливэн кино билан хайрлашиди. Вейсмюller билан Шеффилд 1945 йилгача бирга суратга тушшиди. 1945 йилда «Тарзан ва амазонкалар» фильмни билан янги Жейн - оп пок малика Брэнда дунёга келиди.

1948 йилда Жонни Вейсмюller аввал кинодан, кейин ҳаётдан кетди. У автомобиль ҳалокатига учради. Лекин, янги Тарзан дарров туғила қолди. У Лес Баркер деб аталган собиқ зобит эди.

У 1949 йилда «Тарзаннинг сехорли фавораси» фильмидаги тўпланиб топди. Кичкенига ҳизоқи ёзиб, ҳафтаги журнallардан бирига жўнатди. Ҳизоқи кичкенига бўлса ҳам, жуда кatta шов-шувга сабаб бўлди. Үқувчилар қаҳрамон Тарзаннинг келажакдаги тақдирни ҳақида ҳизоқи килиб беришини сўраб, журнал муҳарририятини хатларга кўмуб ташлашиди.

Эдгар Берроузнинг омади келди. У журнал учун яна бир неча ҳизоқи лар ёзи. Кейин уларни бирлашибтириб, кисса шаклига келтириди. Келгусида эса, шу каби киссалардан 23 тасини ёзи.

У яратган қаҳрамон шу қадар машҳур бўлиб кетдики, Калифорниядаги бир шаҳарчанинг ахолиси ўз шаҳарларини Таун-Оф-Тарзан деб кайта номлашиди. Эдгар Берроузнинг бу шаҳарга яшаш учун кўчиб келишини эса, барча кatta тантана билан байрам килди.

Тарзан ҳақидаги киссаларга кайтсан, киссаларни бирлашибтириб, яхшинига ҳизоқи килиб кетади. Кисса шаклига келтириди. Улар табиий, жозибали, ҳақоний рол ижро этган эдилар.

Энг охирида машҳур маймун Чита ҳақида. У тирик, соғ-саломат. Эгаси Тони Генри билан салкам олтиши 1918 йилдан бери бирга яшаб келади, дейишиади. Афсуски, унга забон берилмаган, йўқса, Вейсмюller ва Мориннинг ҳаётини батафсил ҳизоқи килиб берган бўларди...

Темир Йўлдошев.

Сўз тагида сўз бор

«МАТОР»МИ ЁКИ «МАДОР»МИ?

Энг ошуфта гуллар, чечаклар, шифобаҳш гиёҳлар тогининг тепасида, инсон қўли етмайдиган жойларда ўсиши ҳаммага мъалум.

Вилоятимизнинг тоғлар бағрида жойлашган Жўхакент, Хумсон, Сижжак қишлоқлари ўзига хос гўзаллигидан ақлингиз лол қолади. Айниқса, баҳорда бу қишлоқлар аҳли кўк сомса, чучваралар қилишиб, баҳорни улуг орзулар билан кутиб олишади.

Мен ҳар баҳорда Жўра ота, Боймурод оталарнинг хонадонларида бўйи, дилкаш сухбатлар куриб тураман. Жўра ота Унаров кўк сомса, ялпиз солиб

туғилган чучвара билан меҳмон қиласди.

— Сомса нега бунча лаззатли, унга нима солинган? — деб сўрадим бир гал.

— Бу, матордан қилинган, бошқа ҳеч нарса қўшилмаган. Мен сизга айтсан, унинг куввати от гўсти куввати — килокалори ясига тенг, — дедилар табассум билан, ҳамсұхбатим.

— «Матор» қанака?

— Ўзи саримсоқиёзга ўхшайди. Баҳор келди дегунча, тандир-

тандир сомса қилиб тановул киласми.

— Жўра ота, аслида номи «матор» эмас, балки «мадор» бўлиши керак, ҳалқ тилида кейинчилик «мадор» «матор»га айланни кетганов, — дедим.

Зеро, «мадор» асли арабча сўз бўлиб, маъжол, кувват, куч — одам ва жониворларнинг ўз мускуларини ишлатиб, жисмоний ҳаракатга келтирувчи асосий омилдир. Шундай экан, тоғларда ўсадиган оромбашш, эфир мойи, оқсил, минерал туз ва турли моддаларга бой шифобаҳш гиёҳ «матор» эмас, балки «мадор» деб аталиши ҳақиқатга якирин келармиди. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз, азиз газетхонлар?

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

Topishmaq

Qor, muzlar erib ketib,
Atrof bezanar gulga.
Bulbullar sayrar tinnay,
Bog'larni u kezganda.

(Bachor)

«КИМЁГАР»НИНГ
ДАСТААБКИ
ФАЛАБАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
миллий чемпионатида тўртнинчи тур учрашувлари ўтказилди. Карши ва Намангандаги турнинг марказий ўйинлари бўлиб ўтди. «Насаф» мамлакатимиз чемпиони «Дўстлик» билан учрашади.

Майдон эгалари уюштирган хужумлардан бири 65-дақиқада Зафар Холмуродовнинг голи билан якунланди. Бу ягона тўп «Насаф»га навбатдаги тўртнинчи фалабани келтириди.

Вилоятимизнинг икки вакили Ангренда ўзаро учрашидилар. «Семур» «Металлург» жамоасини қабул қилди. Учрашувда жамоалардан ҳеч қайсиси тўлиқ ташаббусга эга бўлолмади ва 60-дақиқагача дарвозалар дахлисизлиги сакланиб турди. «Металлург» хужумчиси Темур Галиев биринчи бўлиб хисобни очди. Аммо 64-дақиқада мезбонлар жавоб тўпини киритиб, чемпионатдаги дастлабки очкони кўлга киридилар.

«Сурхон» — «Кимёгар» учрашви қизиқарли вазиятларга бой бўлди. Майдон эгалари 31-дақиқада хисобни очдилар. 72-дақиқада Тўрабеков жавоб тўпини киритиб, хисобни тенглаштирган бўлса, 77-дақиқада Игор Нестеров иккинчи тўпни мезбонлар дарвозасига йўллаб, ўз жамоаси галафасини таъминлади. Бу муҳим галафа «Кимёгар» учун жадвалда сўнгги поғонани тарк этиб, 15-уринга кўтарилиб олишни таъминлади.

Колган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:
«Навбахор» — «Пахтакор» — 0:1, «Нефтчи» — «Академия» — 5:0, «Андижон» — «Трактор» — 2:1, «Бухоро» — «Турон» — 5:0, «Кизилкўм» — «Зарафшон» — 1:0.

Талъат ЮСУПОВ.

Тошкент вилояти Ангрен шахри ҳалқ таълими бўлимига қарашли 13-ўрта мактабнинг бурчак штампи йўқолганилиги сабабли

БЕКОР КИЛИНАДИ.

Тошкент туманиндағи Й. Охунбобоевномли 9-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда АЛИМОВ Фахридин Бахтиёрович номига берилган ОР № 093798 раками таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганилиги сабабли БЕКОР КИЛИНАДИ.

ДЎСТЛАРГА
ЧИНДИЛДАН
КУЛМОҚ ЯРАШАР

Бўстонлиқ азал-азалдан барчанинг эътиборини, муҳаббатини тортиб келади. Тоғлорга туташиб кетган қишлоқлор, ям-яшил доражатзорлар, узумзору олмазор боғлар, шарқироқ сойлар куйловчи юракка илҳом солади. Бугун санъат гулзорида худди нафис атиргулдек бўй чўзиб келаётган хушшоуз хонанда Нилуфар Раҳматова мана шутаърифсиз чиройли гўшанинг фарзанди. Унинг илк қўшиклари қушларнинг хонишига, ирмоқларнинг нолишига, шаббодаларнинг шўхликларига жўр бўлиб кетган.

— Нилуфархон, илк бора айтган қўшиғингизни эслайсизми?

— Эслайман. Лекин муаллифи кимлигини хотирлолмаяпман. Рўзимат Мамажонов билан бирга ижро этган бу дуэтимиз «Висор» деб аталарди. Кейин «Денгиз», «Турналар»...

— Шу қўшиклини айтмоқчи бўлиб тургандим. У билан муҳлислар дикатини ўзингизга тортган здингиз десам, тўғри бўладими?

— Аслида ҳам шу. «Турналар» мени санъаткор сифатида жуда юқорига кўтариб юборди. Одамларнинг назарига тушдим. Ўзимга ишончни ортди. Янги қўшикларга отлантириди.

— Яхши, қўшиклини асоси пишиқ-пухта шеърdir.

— Тушундим. «Турналар»ни қайнона ойижоном Олия Омонова ёзғанлар. Тахаллуслари Лобар.

— Бошқа қўшиклари ҳам борми у қишининг?

— Жуда кўп. «Мовий кўзлар», «Али-али», «Ўзбекистон» — ҳаммаси пишиқ-пухта шеърлар. Ўзларига жуда талабчанлар.

— Бошқа шоирларга ҳам мурожаат килиб турсасизми?

— Бўлмасан-чи. Ўзбекистон ҳалқ шоирни Нормурод Нарзуллаев, Бобур Бобумурод, Шавкат Азимовларнинг шеърлари

жўшқинлиги билан менга жуда еқади.

— Ҳар бир қишининг, айниқса, санъаткорнинг тақдирини оиланинг ўрни бўлакча бўлади.

— Оилада тўрт қиз, икки ўғилмиз. Мен бешинчи саналаман. Санъаткорлардан эса биринчимизман. Ота-онам Эргаш ва Тамара Сеитовалар қўшиққа жуда ихломандлар. Айниқса, отамлар биронтамизнинг санъаткор бўлиши мизни жуда-жуда хоҳлардилар. Илк қўшиғимни эшишиб: «Мен шу орзумга эришолмадим. Зора сенга насиб қилган бўлса», деб дуо қўлдилар. Ҳозир ҳар бир янги қўшиғимни интилик билан кутадилар.

— Мактабда ўқиётган пайтларнингизда ҳам мусиқага кизиққанмисиз? Ёки санъатга ошиклигиниз кейинроқ пайдо бўлганими?

— Ҳар бир нарса болалиқдан намоён бўлади. Мактабдалигимда ҳам қўшиқ айтиб юргувчи эдим. Султон Мусаев деган мусиқа муаллимимиз бўларди. Фидойи инсонлардан эдилар. Лекин, қишлоқ мактабида барча имкониятлар бўлмасди-да ўша пайтларда. Шундай бўлса ҳам илк сабоқларни мактабда олганман.

— Боя қўшикларимни шоира Лобар ёзади, дедингиз.

Мусиқасини ўзингиз басталайсизми?

— Йўқ, турмуш ўртогим бастакор Султонали Раҳматов ёзадилар.

— Демак, ҳозирги парвозларнингизда у қишининг ҳам хизматлари бор экан-да?

— Албатта. У қишига йўлиқтиргани учун тақдиримдан минг бор розиман. «Сен албатта эстрадамизнинг юлдузларидан бири бўлишинг керак», — дейдилар. Бу йўлда ҳар қандай кўмакларини аямайдилар. Ҳамфир, ҳамнафас бўлиб јашапмиз, ижод қиласмиз.

— Нилуфархон, дастлаб кўпроқ кимларга тақлид қиласмиз?

— Мен ҳеч кимга тақлид қиласманим. Ҳамиша соддагина бўлса ҳам ўзимнинг қўшиғимни ижро этганим. «Ҳавас ўтиради — ҳасад ўлдиради», дейишади. Мен Зайнаб Хонларовага, Алла Пугачёвага, Насиба Абдулаева-га, Юлдуз Усмоновага ҳавас қиласманим. Ҳамиша ҳавас қиласманим. Таклиднинг умри қисқа. У ҳали ҳеч кимни кўкартиришмаган.

— Айтинг-чи, ҳозир бодраб чиётган санъаткорларга, гурухларга муносабатнингиз қандай? Енгил-елпи қўшикларни эшишиб, ҳалқимиз шунга одатланиб қолмасмикн?

— Мен бирор ҳақида Фикр билдириши ўзимга эп кўрмайман. Чунки, санъаткорларни мушак-қатларини яхши биламан. Ўша сиз тилга олган қўшиқчилар ҳам меҳнат қиласди, тер тўқади, мусиқа ёзди, ижро этди. Лекин, бир нарсага аминман: ҳалқимиз ўзига керак деб ҳисоблаган санъаткорларни ҳамиша эъзозлаб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Вақт ўтиши билан унинг элағидан кимлар тушиб кетади, кимлар қолади ёлгиз Яратганга аён.

— Сизни «Ниҳол» мукофоти совриндорлари орасида кўриб, санъатсеварлар, айниқса, вилоятимиздаги муҳлисларнингиз, ҳамқишлоқларнингиз жуда ҳам хурсанд бўлган эди...

— Ундан олдин ҳам «Тарона-2000» танлови ғолиблари қаторидан ўрин олган эдим. «Ёш умидли юлдуз» номинацияси бўйича ғолиб топилгандим. «Ниҳол» совриндори бўлганимга бир неча кун ишонмай ҳам юрганман.



Энди менинг вазифам — ҳалқ қимизнинг шу ишончини энг яхши қўшиклар билан оқлаш.

— Кейинги пайтларда қандай ижодлар билан бандсиз?

— Яқинда ўн тўрт қўшиқдан иборат альбомим чоп этилади. Кейин фақат мумтоз қўшиклардан иборат бўлган кассета ҳам тайёрлаяпмиз.


— Ўзингизнинг концертингиз бўладими?

— Ҳозир шунга қизғин тайёргарлик кўрайяпмиз. Чунки мустақилларнингизнинг ўн йиллигига ҳамма қатори мен ҳам ўз совғамни тайёрлашим керак-ку.

— Бир қўшиғингизда айтганингиздек, «Қарашлар, қарашлар, минг хил қарашлар, дўстлар, чин дилдан кулемоқ ярашар». Сизнинг саимий дўстларнингиз, муҳлисларнингиз ниҳоятда кўп бўлса керак. Уларга ютиризда Наврӯзи олам кезиб юрган паллаларда, шу саодатли айёмда нималарни тилаган бўлардингиз?

— Аввало юртимиз тинч, ҳар бир хонадон осойишта бўлсин. Шунда биз яйраб-яйраб қўшиқ айтамиз. Юрагимдаги энг яхши тилакларим, ижро этадиган энг яхши қўшикларим — сизларники!

Сўхбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар килишларича, 7-11 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво булутланиб турса-да, ёғин гарчилар кутилмайди.

Харорат кечалари 5-10 даража иллук, кундуз кунлари 20-25 даража атрофида иссиқ бўлади. Шу даврнинг охирига бориб ҳарорат аста-секинлик билан кўтарилади. Кечалари 9-14 даража, кундуз кунлари эса, 26-31 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади.

Собир Рахимов туманинда ҳокимиятни томонидан ҳусусий тадбиркор К.Г. Муҳамедов га савдо-сотик билан шугууланиш учун берилган, йўқолган думалоқ муроҷа берилган.

Вазирлар Мажхамаси транспорт ва алоқа соҳасидаги фаолиятни маъқуллаш бўйича комиссия томонидан Юнусобод туманиндағи «TEZKOR -TRANS» ҳусусий фирмасига Ўзбекистон Республикаси худудида транспорт экспедиторлик фаолияти кўрасатиши хуқуқини берилган. Тэ серияли, 0009272 ракам билан берилган, йўқолган лицензия БЕКОР КИЛИНАДИ.

TOSHK